

**“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув
кенгаши мажлисида
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**Кузатув кенгаши Раиси
А. Пиккер**

(имзо, мў)

**«15» июнь 2021 йил
№29**

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги томонидан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

**Вазир ўринбосари
О. Исаков**

(имзо, мў)

**«12» июль 2021 йил
№ P0775-20**

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ АКЦИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

Идентификация рақами берилди:

Оддий	R	U	1	2	0	P	0	7	7	5	R	1
-------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Қимматли қоғозлар тури - эгасининг номи ёзилган оддий акция;
Чиқариш шакли - ҳужжатсиз;
Номинал қиймати - 1 сўм;
Қимматли қоғозлар сони - 122'364'762'032 дона;
Қимматли қоғозларни жойлаштириш усули - ёпиқ обуна.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ЙИГИРМАНЧИ чиқарилишидир.

**“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши мажлисида
2021 йил 15 июнда тасдиқланган (№29-сонли баён)
“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 15 июндаги қарори
асосида (№29-сонли баён).**

**Эмитентнинг манзили:
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри,
Мирзо-Улуғбек тумани, Шахрисабз кўчаси, 30**

E-mail: info@ipotekabank.uz

Контакт телефонлари: (+99878) 150 11 22, (+99878) 150 89 69

Бошқарув Раиси

_____ **Иномжонов Э.И.**

Бош бухгалтер

_____ **Норметов Э.З.**

сана «_____» _____ 2021 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий акция**.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз**.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 сўм**.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **122'364'762'032 дона**.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **122'364'762'032 сўм**.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
«Ипотека-банк» АТИБ (кейинчаликда «Банк») оддий акцияларига эгалик қилган акциядорларнинг ҳуқуқлари:
 - (а) банк акциядорларининг реестрига киритилиш;
 - (б) Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ёки инвестицион воситачиси томонидан депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - (с) банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - (д) банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - (е) акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - (ф) банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - (г) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - (ҳ) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - (и) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - (ж) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;**қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сўғурта қилиш.**
Банкнинг оддий акцияларига эгалик қилган акциядорлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиikka ва банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:
Банк уставига кўра, жойлаштириладиган акцияларнинг потенциал харидорлари учун қуйидаги чекловлар мавжуд:
 - Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги элик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.
 - Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.
 - Амалдаги қонунчилиikka мувофиқ қуйидаги шахслар Банк акциядорлари бўла олмайди:
 - оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган норезидент юридик шахслар;
 - оффшор зоналарда яшовчи чет ел фуқаролари;
 - давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса.
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм)::
Банк устав капитали 2 869 839 259 906 сўм.
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):
Банкнинг жойлаштирилган акциялари – 2 869 839 259 906 дона, қуйидагича бўлинган:

- оддий акциялар – 2 861 787 259 906 дона;
 - имтиёзли акциялар – 8 052 000 000 дона.
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Корпоратив облигацияларининг биринчи чиқарилиши (19/03/2010 йил №P0845):

- Қимматли қоғоз тури - номи ёзилган облигациялар;
- Қимматли қоғоз кўриниши - фоизли корпоратив облигациялари;
- Номинал қиймати - 10 000 000 сўм;
- Қимматли қоғозлар сони - 500 дона.

Ушбу чиқарилиш облигациялари сўндирилиши муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2015 йил 15 майдаги №15-07/079-сонли қарори билан бекор қилинган.

Корпоратив облигацияларининг иккинчи чиқарилиши (06/12/2012 йил №P0845-2):

- Қимматли қоғоз тури - номи ёзилган облигациялар;
- Қимматли қоғоз кўриниши - фоизли корпоратив облигациялари;
- Номинал қиймати - 10 000 000 сўм;
- Қимматли қоғозлар сони - 500 дона.

Ушбу чиқарилиш облигациялари сўндирилиши муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2018 йил 25 январдаги №15-07/005-сонли қарори билан бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

- 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна бўйича жойлаштирилади, бунда акциядорларга ўзларига тегишли бўлган ушбу чиқарилишнинг оддий акциялари сонига мутаносиб равишда акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, ушбу акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660 қарорига мувофиқ ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 91-моддаси ўн биринчи бандига асосан 2020-йил 30-сентябрда бўлиб ўтган Банк акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида банкнинг аффилиланган шахслари, шу жумладан давлатнинг акциядори сифатида банк акцияларини жойлаштириш бўйича битимлар тузишга қарор қабул қилинган.

- 11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш муддати ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кунни ташкил этади

Ушбу чиқарилишдаги акцияларини жойлаштиришнинг бошланиш санаси имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги кун, лекин ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинган кундан бошлаб икки ҳафтадан кечиктирмай ҳисобланади. Агар жойлаштиришнинг бошланиш санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, жойлаштиришнинг бошланиш санаси шундай кундан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларини жойлаштиришнинг тугаш санаси банк томонидан охириги жойлаштирилмаган акцияни сотган сана ҳисобланади, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан кечиктирмай.

Банк акциялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳамда имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришномаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда банкнинг корпоратив веб-сайтида ва/ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

- 11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялари акциядорларга ўзларига тегишли бўлган ушбу эмиссиянинг оддий акциялари сонига мутаносиб равишда акцияларни имтиёзли равишда сотиб олиш ҳуқуқини бериш шарти билан жойлаштирилади.

Банк акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида Банкнинг корпоратив веб-сайтида ва/ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида акциядорлар, жойлаштирилган акциялар оддий акциялар эгалари ушбу акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилади.

Мазкур чиқарилишдаги акцияларини сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кунни ташкил этади.

Қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи акциядорлар - банкнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санада шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд этилган оддий акциялари эгаларига тегишлидир.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, ушбу акциялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш ташкил этилмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни олди-сотдиси (сотиш) бўйича фуқаролик-ҳуқуқий битимлар (шартномалар) тузиш йўли билан амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни олди-сотди (сотиш) бўйича тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битимлар (шартномалар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу чиқарилишдаги акциялари банк томонидан андеррайтер иштирокисиз жойлаштирилади.

- 11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Марказий рўйхатга олувчи корхона ҳақида маълумот:

Тўлиқ номланиши – «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси».

Ташкилий-ҳуқуқий шакли – давлат корхонаси.

Почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107.

Телефон: 267-37-42, WEB: www.deponet.uz, e-mail: info@deponet.uz.

Акциялар ҳисобини юритувчи Инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номланиши – «Birinchi Banklararo Depozitariy».

Ташкилий-ҳуқуқий шакли – мас.

Почта манзили: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. Яшнабод тумани, Истикбол кўчаси, 15.

Телефон: 233-06-52, 233-29-07, WEB: www.bbd.uz, e-mail: bbd_1@mail.ru.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг эгалари ушбу чиқарилган акцияларга бўлган ҳуқуқларни сақлаш ва ҳисобга олишни ўз хоҳишига кўра бошқа ҳар қандай инвестиция воситачисига ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига топширишга ҳақли.

- 11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялари акциядорларга ўзларига тегишли бўлган ушбу эмиссиянинг оддий акциялари сонига мутаносиб равишда акцияларни имтиёзли равишда сотиб олиш ҳуқуқини бериш шарти билан жойлаштирилади.

Банк акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида Банкнинг корпоратив веб-сайтида ва/ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида акциядорлар, жойлаштирилган акциялар оддий акциялар эгалари ушбу акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилади.

Мазкур чиқарилишдаги акцияларини сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кунни ташкил этади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш ташкил этилмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни олди-сотдиси (сотиш) бўйича фуқаролик-ҳуқуқий битимлар (шартномалар) тузиш йўли билан амалга оширилади.

- Қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи акциядорлар - банкнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санада (2021 йил 15 июнда) шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд этилган оддий акциялари эгаларига тегишлидир.**
- 11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:
- Қўшимча чиқарилаётган акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган баҳода жойлаштирилади.**
- 11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:
- Акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.**
- Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида, жисмоний шахслар учун нақд нақдсиз шаклда амалга оширилади.**
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги акциялар учун тўловни Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ҳамда "Ипотека-банк" АТИБ билан тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширади.**
- Ушбу чиқарилишдаги акциялари учун тўловлар пул маблағлари бўлмаган бошқа воситалар билан тўлаш назарда тутилмаган.**
- Акцияларни тўлаш учун жисмоний ва юридик шахслар "Ипотека-банк" АТИБ Меҳнат филиалига мурожаат қилишлари мумкин:**
- Манзил: 100 000, Тошкент ш., Истиклол кўчаси, 9**
- Реквизитлар: МФО 00423, 29830 ҳисобрақам ҳар бир акциядор номига очилган «акцияларга обуна қилиш депозити». Ушбу ҳисобрақамни очиш учун (бундай ҳисобрақам очилмаган бўлса) банк билан акцияларга обуна қилиш шартномасини тузиш лозим.**
- 11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:
- Агар ушбу чиқарилиши акцияларнинг 60% дам камроғи жойлаштирилса, чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисобланади.**
- Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу факт тўғрисида расмий маълумотни эълон қилади.**
- Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан бошлаб, акциялар учун тўланган пул маблағлари инвесторларнинг тегишли ҳисобварақларига 10 (ўн) кун давомида пул кўчириш йўли билан тўлиқ ўтказиб берилади.**
- Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳақиқий эмас деб топиш ва пул маблағларини уларнинг эгаларига қайтариш билан боғлиқ харажатлар Банк ҳисобварағига ундирилади.**
12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:
- Банк ушбу чиқарилишни давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади:**
- Корпоратив ахборот ягона порталида – www.openinfo.uz;
 - АЖ "РФБ "Тошкент"" веб-сайтида – www.uzse.uz;
 - Банк веб-сайтида – www.ipotekabank.uz.
- Ҳар қандай манфаатдор шахс акцияларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси ва/ёки унинг нусхаси (шу жумладан электрон нусхаси) билан қуйидаги манзиллар бўйича танишиши мумкин:**
- Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улўфбек тумани, Шахрисабз кўчаси, 30;
 - Корпоратив ахборот ягона порталида – www.openinfo.uz;
 - АЖ "РФБ "Тошкент"" веб-сайтида – www.uzse.uz;
 - Банк веб-сайтида – www.ipotekabank.uz.
13. Бошқа маълумотлар.
- 13.1. **Банк ҳақида асосий маълумотлар**

Тўлиқ ва қисқартирилган банкнинг номи:

Давлат тилида: «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки, «Ипотека-банк» АТИБ.

Лотин графикада: «Ipoteka-bank» aksiyadorlik tijorat ipoteka banki, «Ipoteka-bank» ATIB.

Рус тилида: Акционерный коммерческий ипотечный банк «Ипотека-банк», АКИБ «Ипотека-банк».

Инглиз тилида: Joint-stock commercial mortgage bank «Ipoteka-bank», JSCMB «Ipoteka-bank».

Рўйхатдан ўтган сана ва рақами (банк лицензияси рақами): 2005 йил 30 апрель 74-сон. Банк амалиётларини ошириш Лицензияси 2017 йил 21 октябрь 74-сонли. Жойлашган ери ва почта манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Шахрисабз кўчаси, 30.

Солиқ хизмати органи ва солиқ хизмати органи томонидан берилган (СТИР): **Давлат солиқ инспекцияси Тошкент шаҳар Мирзо-Улуғбек тумани, СТИР 202858483.**

давлат статистика органи томонидан берилган рақамлар: 13/07/2005 йил №38550.

ОКПО – 17068947, ОКЭД – 64190, КФС – 144, КОПФ – 1150, СОАТО – 1726269.

Банкнинг асосий фаолият тури:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни қабул қилиш ҳамда олинган маблағлардан ўз хавф-хатари остида кредит бериш ёки инвестиция қилиш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш.

- 13.2. **Акцияларнинг ушбу чиқарилиши билан боғлиқ саволлар ва/ёки тушунтиришлар олиш зарурати туғилганда акциядорлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахслар "Ипотека-банк" АТИБ қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин:**

+ (99878) 150 11 22; + (99878) 150 89 69.

Аризаларни қуйидаги манзилга юбориш лозим:

100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

Мирзо-Улуғбек тумани, Шахрисабз кўчаси, 30.

- 13.3. **Банк акциядорлари ва инвесторлари, шунингдек манфаатдор шахслар банкнинг муҳим фактлари, банкнинг молиявий ҳисоботлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа маълумотлар билан Банкнинг корпоратив веб-сайтининг "Акциядорлар ва инвесторлар" бўлимида танишишлари мумкин.**
- 13.4. **Банк ушбу чиқарилиши акцияларнинг иккиламчи бозорда муомаласи билан боғлиқ муносабатлар учун жавобгарлик ва мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди, акцияларни чиқариш бўйича ушбу қарордан келиб чиқадиган бундай жавобгарлик ва мажбуриятлар бундан мустасно.**
- 13.5. **Ушбу акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорида кўрсатилмаган бошқа барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик-ҳуқуқий қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.**